

«ТУРКИСТОН ТАРИХИ» КЕРАК

Тарих кўп ахамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тарикада, кайси йўл ила тараккий этганин ўкиб, ибрат олмок ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мункариз бўлуб кетганин ўкуб мундан ҳам истифода этмак мумкинмур. Шунинг учун бизнинг ўз шевамизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий ахволига доир «Туркистон тарихи» бор бўлгонда, они кўз олдимизда кўюб, бурунги кахрамон боболаримизнинг на йўл ила тараккий ва маданият даврига кируб ва нима сабабдан охири мункариз бўлуб кетганларини ўкуб, билуб, хейли ибрат олар эдук. Ўшандок хозирги холимизни боболаримиз давридаги холларга бир даража мукояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиюли даруний хис эдуб, юзларимиз кизарар эди. Холо, биз туркистонийлар мархум боболаримиз ахволи ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун гофил ва беҳабардурмиз. Чунки хануз Туркистон тарихи хакинда янги тадқиқот ила ёзилгон, тартибли ва истифодали мукамал бир асар вужудга келган йўк. Тўғриси, мундай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан хануз майдонга чикгон йўкки, бу эса турк болаларининг ноҳалаф бўлуб, чин ўгул эмасликларига далилдур. Бу сўзлардан тарихсизлигимиз англашилмасун. Бизнинг тарихимиз бор.

Бурунги асрларда Туркистон ва турклар воқеоти ва ахволи хакинда туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандурки, у китоблардан рус ва бошка ёврупойилар истифода этган ва этмакдадурлар. Лекин у мухталиф тилларда ёзилган. Тарихий асарлардан биз туркистонийлар истифода этуб, янги муҳокама ва тадқиқот ила ўз шевамизда мунтазам бир асар вужудга келтурганимиз йўк. Балки бизлар андог тарихий китоблардан аксарият ила хабарсиз бўлуб, баъзисидан хабардор бўлсак ҳам, аларнинг табъ ва нашрига ахамият бермаймиз. Чунки бизнинг халқлар андог китоблардан кўра хурофотлик кисса, хикоя ва ошикона газал китобларига зиёда, рағбатлик бўлганидан моддий фойдасини кўзлаб, шундай афсона ва аслсиз китобларни табъ ва нашр этмакдамиз. Шунинг учун кундан-кун муҳим тарихий китобларимиз кўздан тушуб, эсдан чикуб кетмакдадурки, мунинг айбу гуноҳи Туркистондаги манфаатпараст китобчилар бўйнига тушса керак. Чунки бу сўнг йилларда китобчилар тарафидан турли хурофотлик китоб ва рисоалар нашр бўлинув турганлиги майдонда ва барчага маълуммур. Агарда мухтарам ношир ва китобчиларимиз мундан сўнг ахлоқ бузгувчи ошикона газаллар ва соф эътиқодларни захарландирувчи хурофотлик афсона китоблар ўрнига мўътабар тарихий, ахлокий ва адабий рисола ва китоблар нашр этмоқга ташаббус этсалар, шояд бу хайрли ишлари аввалги гуноҳларининг юзини ёпар.

«Садойи Туркистон» жаридасига «Миллий тарихимизни ким ёзар?» мазмунида бир

савол кўрулгон эди. Бизнинг фикримизча, мундай бир тарих ёзмоклик нихоятда кийин бир иш бўлуб, хозирда мунинг ифоси бизларнинг кўлимиздан келмайтургонга ўхшайдур. Шунинг учун бу хизматни Туркистон тарихи ила ошино бўла бошлаган ёш муаррихимиз мухтарам Ахмад Заки Валидий афандининг каламидан умид этмакдамиз.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 38-сон, 898—900-бетлар.